

MOZUNA

АМИР ТЕМУР

НОТИРАЛОНГА ЭЪТИРОФ

Жорий йил апрель ойида буюк саркарда, давлат арбоби, Сохибқирон Амир Темуր таваллудига 690 йил тўлади. Шу муносабат билан Иккинчи Уйғониш даври – Темурийлар Ренессанси бунёдкори, миллий давлатчилигимиз ва жаҳон тарихида бекиёс ўрин тутувчи Амир Тему́р таваллудининг 690 йиллик санасини кенг нишонлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият, санъат ҳомийси Сохибқирон Амир Тему́р таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Мустабид тузум томонидан узоқ йиллар мобайнида қоралаб келинган Амир Тему́рдек улуғ зотнинг номи ва хотирасининг қайта тикланиши айнан мустақиллигимиз билан боғлиқ. Қарорда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида тарихий адолат асосида қайта тикланган Сохибқирон Амир Тему́р сиймоси миллий давлатчилигимиз тимсолига айланиб, ўзликни англаш, аёнана ва қадриятларимизни тиклаш борасида халқимизга улкан маънавий куч бағишлаб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори, моҳиятани Амир Тему́р шахсини, унинг давлатчилигимиз йўлида қилган улкан хизматлари, Сохибқирон меросини тиклаш ва халқимиз маънавий бойлиги қаторига қўшиш, асраб-авайлаш йўлида бугунгача амалга оширилган ишлар кўламини янада кенгайтириш, буюк аждодимизнинг башариёт тарихи ва Турун тамаддунидаги ўрни ҳамда темурийларнинг бой ва бетакрор меросини чуқур ўрганиш, юртимиз ва чет элларда кенг оммалаштиришни мақсад қилади. Ушбу асосий мақсад, қарорда кўрсатилганидек, “буюк аждодимиз асос солган Иккинчи Уйғониш даври”нинг миллий ва умуминсоний моҳияти, ёш авлодни Янги Ўзбекистон бунёдкорлари этиб тарбиялаш борасидаги улкан ўрни ва таъсирини инобат-

га олиб, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ташкилий-амалий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни янги сифат босқичига кўтаришдан иборат бўлади.

Қарорга кўра бундан кейин ҳар йили апрель ойи “Амир Тему́р ойлиги” деб белгиланмоқда. Унга кўра апрел ойида буюк Сохибқирон таваллуди муносабати билан ушбу ойлик доирасида умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда темурушнос олимлар, ёзувчилар ва санъаткорлар иштирокида учрашувлар, бадиий-маърифий тадбирлар уюштирилади. Шунингдек, темурийлар даври тарихини тизимли ўрганиш ва илмий натижаларни кенг тарғиб этиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган “йўл харитаси” ҳам тасдиқланди.

Қарорда Амир Тему́р ҳамда темурийлар даври тарихи билан боғлиқ китоблар, илмий ва илмий-оммабоп асарларни тайёрлаш ва чоп этиш ҳақида ҳам алоҳида бандлар киритилгани, келгусида кенг жамоатчиликнинг Амир Тему́р ва темурийлар тарихи ҳақида кўпроқ маълумот олиш, ўрганиши учун катта имкониятлар эшигини очиши шубҳасиз. Зотан, унга кўра мамлакатимиз тарихида илк маротаба “Темурийлар даврининг 100 нодир кўлёмаси”, “Темурийлар даврининг 100 нодир дурдонаси” каби китоб-альбомларни яратиб режалаштирилганлиги халқимиз маънавий ҳаётида кейинги йиллардаги энг муҳим янгиликлар сифатида эътироф этиладиган воқеалик ҳисобланади. Шунингдек, темурийлар даврига оид, хорижий давлатларда сақланаётган асл кўлёмса манбалар нусхаларини Ватанимизга олиб келиниши ҳам маънавий меросимиз хазинасини темурийлар даври ҳаётини акс эттирувчи дурдоналар билан тўлдиришга хизмат қилиши шубҳасиз.



Эътироф этиш лозимки, бугунги кунда, айниқса, ёшлар орасида Амир Тему́рнинг шахси ҳамда фаолиятига, темурийлар салтанати тарихига оид билимдонлик даражаси замон талаби даражасида деб бўлмайди. Улар, аксарият ҳолларда ўрта мактабларда бу борада олаётган қисқа маълумотлар билан чекланиб қоляптилар, холос. Мазкур қарор мақсад-моҳияти, унда белгиланган вазифаларни жойларда, хусусан, таълим масканларида кенг тарғиб қилиш ва амалга ошириш орқали биз ёшларга ҳам Амир Тему́р шахси ва фаолияти хусусида кенгроқ маълумот, тасаввур беришимиз, буюк аждодимизга нисбатан муносиб эътиром, ҳурмат ҳиссини яхшилашимиз мумкин.

Даврон ОРИПОВ.

P.S: Буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Тему́р таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида амалга оширила-жак тадбирлар доирасида “Бойсун” газетаси ижодий жамоаси ҳам газетаимизнинг жорий йил – март-апрел сонларида Амир Тему́р шахси ва фаолияти, темурийлар салтанати даври мавзусига оид мақолалар, давра суҳбатлари беришни режалаштирган. Шу муносабат билан газетхонларимиз ва Амир Тему́р шахсига қизиқувчи муштарийлардан қизиқарли материаллар кутиб қоламиз.

Бу маҳобатли чинорларни илк бор олти-етти ёшимда кўрганман.

Ҳали хат-саводим бўлмагани боис ўша олис йилларда ҳам чинор ғоваги пештоқи-га қоқилган бир парча лавҳада нима ёзилганлигини, табиийки, англамаганман, ҳатто эътибор ҳам бермаган бўлсам керак. Хотирамда қолгани шуки, ёзув бугунги кунлардагидек чинор дарахтининг ёнидаги махсус оёқли рамкада эмас, чинор ғовагининг шундоқ пештоқида илинганди. Биз ўшанда оила аъзоларимиз билан Комсомолободдан (ҳозирги Музработ тумани маркази) қайтишда, Бойсунга қайтаётган уловлар албатта Сайробда тўхтаб ўтиши шарт бўлгани боис кўп қатори беш-ўн дақиқа бу ажабтовур қишлоқдаги чинорлар ва уларнинг тагидан қайнаб чиқаётган чашмалар ҳавзасидаги балиқларни то-

лан гавжумлашишидан дарак беради. Қолаверса, махсус дастурлар асосида бу ерда ички ва ташқи туризмни ривожлантириш учун кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, зарурий инфратузилма шакллантирилди.

Сайробнинг туризм қишлоғи мақомини олишига энг аввало бобочинорлар сабаб бўлганлигини эътиборга олсак, ушбу чинорлар билан боғлиқ бир муҳим масалага ҳам ойдинлик киритишга тўғри келади. Аниқроқ қилиб айтидиган бўлсак, кичик бир жузъий эътиборсизлиқни бартараф этиш лозимга ўхшайди.

Бу Сайроб чинорларининг бугунги аниқ ёши ҳақида.

Мен юқорида бежизга бундан роппароса олтимиз йил аввал кўрганам – бу қишлоқдаги бош чинор пештоқидаги лавҳани эс-

САЙРОБ ЧИНОРИ НЕЧА ЁШДА?



моша қилиш имконига эга бўлгандик.

Кейинчалик, ўн ёшимда, энди ўқиш-ёзишдан бохабар бўлган чоғларимда иккинчи бор Сайробга кўниб ўтишга тўғри келган. Ўшанда уч йил муқаддам ўқишни билмаганим боис эътибор қилмаганим ўша лавҳани ўқиб, танасини ўн инсон қулочи билан ҳам қучиб бўлмайдиган, бағрида “даричаси” бор баҳайбат чинор 950 ёшда эканлигини билганман. Яна эсимда қолгани ўша пайтда, бугун танасида ғовак пайдо бўлган ва катта бобочинорга ёндош иккинчи чинорнинг ҳали бағри “тешилмаган”, яъни ғоваги йўқ эди. Бироқ, бўлажак ғовакнинг излари пайдо бўлганлиги кўриниб турар, бу эса иккинчи чинорнинг ҳам ич қисми аллақачон ғовакка айланиб, фақат ташқи қалин тана пўстлогига қад ростлаб турганидан дарак берарди.

Собиқ иттифоқ даврида Сайроб энг гавжум қишлоқлардан бири эди. Бунинг сабаби, халқроқ даражадаги М-39 йўлининг бир қисми ушбу қишлоқдан – худди шу чинорлар жойлашган манзилдан ўтганлигида эди. Шу боис ўша замонларда Сайробни Ўзбекистоннинг энг обод қишлоқлардан бири бўлиши учун ҳаракатлар бўлган, ҳатто ўтган асрнинг саксонинчи йилларида шу мақсадда Сайробда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари ҳам амалга оширилган.

Яқин йиллар ичида халқроқ автомобиль йўли тубдан реконструкция қилинди. Йўл қурилиши Сайроб чинорларига зарар етказмаслиги учундир балки, янгидан бунёд этилган йўл азим чинорлар ўсиб турган Сайроб қишлоғи марказини четлатиб ўтказилди. Табиийки, бу Сайробга сайёҳлар кириб-чиқishiни бир оз камайишига сабаб бўлди. Бироқ, яқинда узоқ тарихга эга Сайроб қишлоғига “туризм қишлоғи” мақоми берилгани яқин йиллар ичида бу манзил яна сайёҳлар, Ўзундара тарихий маскани, ўн асрлик чинорлария, зилол бўлоқларига қизиқувчи хорижий ва маҳаллий меҳмонлар би-

ламадим. Таъкидлаганимдек, ўшанда ҳам лавҳа чинорнинг ёши 950 йил деб кўрсатилган эди ва бу шунчаки, таваккал қўйилган рақам эмасди. Одатда дарахтларнинг ёши икки усулда – улар танасининг диаметри ва танадаги ички халқалар сонига қараб ҳисобланади. Сайробдаги бош чинорнинг ички ўзаги неча асрлар аввал емирилиб кетгани боис шўролар даврида, яъни бундан камида 70-80 йил муқаддам мутахассислар унга тана диаметридан келиб чиқиб, 950 ёшни берган бўлишлари керак. Бироқ, бу – камида 70-80 йил аввалги хулоса. Орадан шунча вақт ўтган бўлишига қарамай Сайроб чинори ёнида барпо этилган чинор ҳақидаги умумий маълумотларда унинг ёши ҳамон 950 йил деб кўрсатилляпти. Ушбу рақамга чинор ёши ҳисобланган олис йиллардан кейинги вақтни қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, бобочиноримизнинг ёши бугунга келиб аллақачон ўн асрлик санадан ўтиб кетган ҳисобланади. Шундай экан, ҳалиям Сайроб чинорларига 950 ёш бериш тарихан ноинсофиқми, эътиборсизликми, бўляпти, чамамда. Шунинг учун ҳам чинор ёши ҳисобланган даврдан кейинги йилларни ҳам қўшиб ҳисоблаб, Сайроб чинорларига бемалол 11 аср ёш берсак адолатли бўлармиди?

Албатта, бу менинг шахсий фикрим ва таклифим. Назаримда, мутахассислар бундан икки ярим минг йил муқаддам пойида Ўзундарадек қадимий қалъа-истехком барпо этилган Сайроб қишлоғи Буюк ипак йўли устидаги энг қадимий аҳоли манзилларидан бири эканлигидан келиб чиқиб, бу ердаги бобочинорларнинг ёшига ҳам аниқлик киритиб берсалар ёмон бўлмасди. Зеро бу келгусида Сайроб чинорларини дунёнинг энг қадимий нодир дарахтлари сифатида эътироф этилиш ва муҳофазаси учун ҳам муҳимдир.

Даврон ОРИФ.

YAPONIYALIK MUTAKASSISDAN MASTER KLASS



Keyingi yillarda tumanimizda yoshlar orasida sportni rivojlantirishga qaratilgan ishlarning tubdan yaxshilanishi, yosh sportchilar uchun yetarli shart-sharoitlar yaratib berilayotgani natijasida ular turli darajadagi musobaqalar, chempionatlarda yuqori ko'rsatkichlarga erishyaptilar.

Xususan, sportning milliy kurash hamda dzyudo turi bo'yicha yoshlarimiz yaxshi natijalar ko'rsatyaptilar. Ayniqsa, yaqinda yaponiyalik taniqli sport murabbiyi Junna Kikuchining tumanimizga tashrifi va yosh sportchilarimiz bilan uchrashuv o'tkazganligi yoshlarimiz uchun o'ziga xos motivatsiya, tajriba o'rganish bo'ldi.

Boysun tuman sport maktabi, kurash maktabi hamda umumta'lim maktablarining sportchi o'smir va yoshlari bilan bo'lgan uchrashuvda taniqli murabbiy yosh sportchilar uchun sportning dzyudo turi bo'yicha master-klass tashkil etdi.

Mashg'ulotlar davomida yoshlar yapon dzyudo maktabiga xos bo'lgan yangi texnika va uslublar bilan tanishib, o'z mahoratlarini yanada oshirish imkoniyatiga ega bo'ldilar. Shuningdek, Junna Kikuchini Yaponiyada sportning dzyudo turi bo'yicha qo'lga kiritilayotgan yutuqlar hamda ushbu sport turining yoshlar va o'smirlar salomatligini yaxshilashdagi ahamiyati, uning o'ziga xos jihatlari xususida ham qiziqarli ma'lumotlar berib, mamlakatimizda ushbu sport turini yanada rivojlantirish uchun amalga oshirilayotgan davlat darajasidagi vazifalar yuqorisi qayd baho berdi.

Yumayusuf RAXIMOV,
Boysun tuman sport maktabi direktori.

Кейинги пайтда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бозорлар, савдо марказларида тез-тез рўй бериб турган ёнгин ҳодисалари кўпчиликни тавишга солмоқда.

Фикримизнинг тасдиғи сифатида яқинда Тошкент шаҳрининг Яшнобод тумани ҳудудида жойлашган “Авиатор” савдо марказида рўй берган ёнгин бунга мисол бўла олади. Ёнгин оқибатларини аниқлаш ҳамда таҳлилларга кўра, бу каби ёнгинлар, аксарият ҳолларда йирик савдо марказлари, бозорлар ҳудудида ёнгин хавсизлик талабларига риоя қилмаслик, ўзбошимча савдо нуқталари ташкил этиш, рухсат берилмаган жойларда савдо қилиш ва бошқа қонунбузарликлар оқибатида рўй бермоқда. Шу боис бугунги кунда бозорлар ҳамда савдо марказлари, аҳоли гавжум жойларда ёнгин хавфсизлигига риоя қилиш талабларини ўрганиш, ёнгин хавфини вужудга келтириш мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш, бартараф этиш ҳамда ноқонуний савдо фаолиятларига барҳам бериш муҳим аҳамият касб этади.

Масаланинг муҳимлиги алоҳида

БОЗОРДА ШАФФОФ ВА ХАВФСИЗ МУҲИТ ЯРАТИЛАДИ

эътиборга олинган ҳолда туман ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар бўлими, департамент, туман фавқулотда вазиятлар бўлими ва бошқа масъул ташкилотлар ҳамкорлигида туман марказий деҳқон бозорида белгиланган тартибларни мустаҳкамлаш ҳамда яширин иқтисодиётнинг олдини олишга қаратилган тадбир ўтказилди.

Йиғилиш давомида мутасаддилар томонидан марказий бозорда кенг кўламли тозалаш, ободонлаштириш, савдо фаолиятини рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, савдо нуқталарида тартиб-интизомни яхшилаш бўйича аниқ топшириқлар берилди. Шу билан бирга савдо



жараёнларида қонунийликни таъминлаш, ноқонуний савдо фаолиятига барҳам бериш ҳамда солиқ интизомини кучайтириш бўйича муҳим вазифалар

ҳам ўтказиш бўйича таклифлар ешитилди.
Юнус ХОЛИЁРОВ,
Бойсун туман ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари.

BOYSUN

Азиз муштарийлар!

BOYSUN

ОБУНА 2026 йил

BOYSUN

2026 йил учун “Бойсун”

ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна бўлиш бевосита газета муҳарририяти орқали амалга оширилади. (Агробанкдаги ҳисоб рақами: 2 0 2 1 0 0 0 0 0400429681001, ИНН: 202173689)

Йиллик обуна баҳоси — 300000 сўм.

ЭКОЛОГИК БИЛИМЛАР БЕЛЛАШУВИ

Дунё миқёсида рўй бераётган экологик бузилишлар фонида фуқароларда экологик-хуқуқий маданиятни шакллантириш энг муҳим шартлардан ҳисобланади.

Зеро, бугунги глобал экологик инқирозлар, энг аввало, инсон омили, яъни инсонларнинг она табиатга бўлган муносабатининг кескин бузилиши, табиатга нисбатан тажовузкорлик, бунинг оқибатида

билимлар беллашувида туман мактабларидан иштирок этган жамоа вакиллари мамлакатимизда экологик ва иқлим ўзгаришларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, инсонларнинг она табиатга бўлган муносабати, табиат муҳофазасида ёшлар иштироки, экологик инқирозларнинг олдини олишда фуқаролар, жумладан ёшларда экологик маданият, экологик саводхонлиқни юксалтиришнинг



атроф-муҳит, атмосферага мисли қўрилмаган даражада зарар етказилишининг натижасида рўй бермоқда. Шу боис, агар биз табиат мувозанатини сақлашни истасак, биринчи навбатда аҳоли, айниқса, ёшлар орасида экологик маданиятни юксалтиришга эришмоғимиз лозим бўлади.

Мазкур талабдан келиб чиқиб, Республика Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг туман бўлими ходимлари тегишли корхона-ташкилотлар ҳамкорлигида экологик-хуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган мавзуларга оид тадбирлар ўтказишга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Жумладан, ақинда туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими ҳамкорлигида ўқувчилар ўртасида ўтказилган “Сиз экологияга оид қонунларни биласизми?” мавзуидаги билимлар беллашуви юқори савияда ташкил этилди.

Тўртта шарт асосида ўтказилган

аҳамияти мавзуидаги хилма-хил саволлар юзасидан ўзаро куч синашдилар. Шу билан бирга, тадбир давомида иштирокчи ёшларнинг табиат ва атроф-муҳит муҳофазасига бўлган муносабатлари юзасидан уларнинг шахсий фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари ҳам эшитилди.

Тадбирнинг якуний натижасига кўра барча шартлар бўйича ўз билим ва маҳоратларини намоиш этган 39-умумтаълим мактабининг “Тафаккур” жамоаси 1-ўрин, 5-умумтаълим мактабининг “Green Pulse” ҳамда 6-умумтаълим мактабининг “Эко муҳофазат” жамоалари 2- ва 3-ўринларни қўлга киритиб, танловнинг махсус дипломлари ва эсдалик совғалар, китоблар жамланмиси билан тақдирландилар.

А. ИСМОИЛОВ,
Республика Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси Бойсун туман бўлими бош мутахассиси.

Худудларда аҳоли фаровонлигини таъминлаш, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва босқичма-босқич бартараф этиш “маҳалла еттилиги” ҳамда фаоллари зиммасидаги энг асосий вазифалардан бири қилиб белгиланган.

Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан бу борада ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳар бир туман ва шаҳарда “оғир” маҳаллаларни аниқлаш ҳамда уларда манзилли ишларни ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Бунда, биринчи навбатда “оғир” маҳаллалардаги инфратузилмани яхшилаш, аҳоли даромадини ошириш ҳамда бандлиқни таъминлашга алоҳида аҳамият қаратиш лозимлиги таъкидланган.

Президентимизнинг мазкур топшириқларидан келиб чиқиб, бугунги кунда туманимизда 19 та маҳалла “оғир” маҳалла сифатида танлаб олинган бўлиб, айни пайтда туман ҳокими Б.Шукров раҳбарлигида ушбу худудларда манзилли ишларни ташкил этиш бошлаб юборилган. Шу мақсадда ҳар кун эрта тонгдан туман ҳокимлигининг ишчи гуруҳи белгиланган маҳаллаларда бўлиб, “маҳалла еттилиги” ҳамда фаоллари

томонидан амалга оширилаётган ишлар билан танишмоқда. Жумладан, “оғир” маҳаллаларда маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини янада яхшилаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда доимий бандлиқни таъминлаш борасидаги ишлар таҳлил қилиниб, тегишли маслаҳат ва кўрсатмалар берилмоқда. Айниқса, белгиланган вазифалар ижроси учун масъул бўлган корхона-ташкилотлар, мутасадди

раҳбарларнинг фаолияти алоҳида таҳлил қилиниб, маҳаллалар кесимида белгилаб берилган ишларни муддатиди сифатли амалга ошириш бўйича туман ҳокими томонидан алоҳида топшириқлар бериб, ижроси назоратга олинган.

Амалга оширилаётган ишлар доирасида ҳар кунлик назорат-таҳлил давомида маҳаллаларда фуқаролар, фаоллар билан учрашувлар ҳам ташкил этилиб, худудлардаги мавжуд муаммолар юзасидан фуқароларнинг тақлиф-мулоҳазалари, муурожаатлари ҳам тингланиб, уларни тизимли равишда бартараф этиш бўйича тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида чора-

ёруғликка чидамсизлиги - ёруғликдан қочиш, тинимсиз қайд қилиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, гапириш, ютиниш функцияларининг бузилиши каби клиник белгилар намоён бўлади. Касаллик қанча тез аниқланса, даволаш осонроқ ва самаралироқ кечади. Бефарволик, эътиборсизлик туфайли касаллик кеч аниқланса, даволанишдан кейин ҳам оғир асоратлар сақланиб қолиши, ҳатто ўлим ҳолати қайд этилиши мумкин.

Касаллик асосан юқори нафас йўлларининг касаллиғини давомида етарли даволанмаслик, кечикиб даволаниш натижасида қоладиган

асоратлар сабабли келиб чиқади. Шунингдек, бошни ювиб, яхши қуритмаган ҳолда совуқда юриш ҳам ушбу касалликни чақирishi мумкин. Шунинг учун фуқаролар томоқ оғриғи, юқори нафас йўллари шамоллаши каби вирусли касалликлар билан касалланган ҳолда бепарволик қилмай, бу касалликларни тўлиғича даволаш, олдини олиш каби талабларга қатъий амал қилишлари шарт.

Таъкидланганидек, касаллик инсондан-инсонга вируслар орқали, мулоқот жараёнида ўтиши ва тез тарқалишини эътиборга олиб, бугунги кунда бу борада туманимиз ҳудудида ҳам эпидемиологик ҳушёрлиқни ошириш ва менингит касаллигининг пайдо бўлиши, кўпайишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар қўрилиши талаб этилади. Энг аввало, уюшган жамоаларда – мактаб,

Бугун дунё бўйлаб мусулмон оламида мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар кечмоқда.

Яқин Шарқ ва бошқа худудлардаги қатор мамлакатлар чуқур сиёсий танглик, ижтимоий ва иқтисодий беқарорлик, қуроли тўқнашувларни бошдан кечирмоқда. Мазкур худудларда гўёки ҳақиқий “исломий давлат” қуриш шiori остида очикдан-очиқ зўравонлик, инсонийликка зид ваҳшийликларга асосланган амалларга қўл ураётган турли гуруҳ ва жамоалар кўпайиб бормоқда. Табиийки, улар наинки ўз давлатлари, балки дунё ҳамжамияти учун ҳам хавф-хатар, нотинчлик, экстремистик ғоялар тарқатувчиси ва ташувчиси бўлиб қоляптилар. Яна бир хатарли томони шундаки, бундай қораниятли гуруҳлар содда, ишонувчан, ҳаётда у ёки бу даражада қийналиб қолган инсонлар, айниқса, ёшлар ишончига кириб, яхши ҳаёт, “нариги дунёда” роҳат-фароғат, катта бойлик ваъда қилган ҳолда, улар қўли билан ўзларининг чиркин ниятларини амалга оширадilar. Бундан келиб чиқадики, аксарият ҳолларда экстремистлар ва террорчи ақидапарастлар ҳар қандай жамият, давлатнинг таяни, сунъи бўлган ёшларни ўз ғоялари билан қуроллантиришга, уларни ўз изнларига бўйсундиришга ҳаракат қиладилар. Мана шу жиҳатлари билан ҳам терроризм ва экстремизм аввало ёшлар учун энг хатарли ва хавфли куч ҳисобланади.

Сўнги йилларда ақидапараст оқиллар ёшлар ичидаги фаолиятларини меҳнат мигрантларини тасир доирасига олиш, “хужралар” ташкил этиш, дин ниқобидаги экстремистик мазмундаги материалларни электрон кўринишида тарқатиш, интернет орқали тарғибот қилиш каби усулларда амалга оширмоқда. Айниқса, интернет тармоғида ўзини “Ислом давлати” (ИШИД), “Жабҳад ал-нуusra” деб атаб олган террористик ташкилотлар гўёки ислом равнақи йўлида курашаётган “Мужоҳид биродарлар гуруҳи” экани ҳақидаги тарғибот-ташвиқот кенг қўламда олиб борилаётгани, бунинг оқибатида дунёнинг кўплаб мамлакатларидан мусулмон ёшлар “ҳижрат” қилиш ва “жиҳод”да иштирок этиш даъвосида Саудия ва Йўқ

худудларига бориб қўшилаётганлигининг гувоҳи бўляпмиз. Ваҳоланки, бу каби ҳатти-ҳаракатлар ислом динида қораланади ва бу ҳақда Қуръони Карим ва ҳадисларда кўплаб ибратли фикрлар мавжуд. Хусусан, Абу-Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтилади: “Набий саллаллоху алайҳи васаллам дейдилар: “Аллоҳ деди “Уч (киши) борки Қиёмат кунида мен уларга хусуматчиман. Менинг номим билан (аҳд) бериб, кейин хиёнат қилган киши, ҳур одамни сотиб, пулини еган киши, ишчи ёллаб, ундан (ишни) тўла талаб қилиб олиб, ҳақини бермаган киши”. Қуръони Каримда айнан шундай ҳолатлар ҳақида “Зулм (ноҳақлик) қилганларга суянмангиз, токи сизларга

мусулмончилик аслида мукамал бўлган ва фуқаролари тинчлик-хотиржамликда ҳаёт кечираётган Ватанин тарқ этишга ҳам даъват этишаётир. Ваҳоланки, ўз юртини ташлаб, ўзга юртларда сарсон-саргардон юриш, манкурт шахслар билан бирлашиб, киндик қони тўқилган юртга қарши қурул кўтариш айна ислом таълимотига зиддир. Инсонларни тинч ва осойишта диёрдан дин номидан қотилликлар ошқорга қилинаётган фитна маконларига чорлашдек қабиҳ иш ҳеч қачон “ҳижрат” бўла олмайди.

Ўзбекистон бугунги кунда ўз халқига, биринчи навбатда ёшларга тинч ва фаровон ҳаёт, илм ва фанда юксак натижаларга етишлари учун мукамал шарт-шароит, имкониятлар яратиб қўйган давлатлардан бири саналади. Кейинги

ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМ – ЁШЛАР КЕЛАЖАТИГА ТАҲДИД



(дўзахдан) олов етмасин” (“худ” сураси, 11-оят) дейилган. Ҳозир ИШИД таркибида алданган ёшлар жуда кўп. Улар “кофирларга қарши жиҳод қиляпмиз, орзуимиз - жаннат” дейишаяпти-ю, аммо мусулмонларни қатл этиб, оғир гуноҳга ботишяпти. Бу каби ҳолатлар эса бузғунчи тўдалар ва ақидапараст гуруҳларнинг аслида кимлар ва уларнинг ғоялари нимадан иборат эканлигининг исботидир, албатта.

Ачинарли томони, ақидапарастлар домига тушаётган ёшларнинг кўпчилиги “ҳижрат” сўзининг асл маъно-мазмунидан ҳам беҳабардирлар. Улар ҳатто “ҳижрат” лўғатда “кўчиш, бирор нарсадан ажраш, тарқ этиш” маъноларини англатишини, истилоҳда эса Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) бошчиликларидаги бир гуруҳ мусулмонлар жамоасининг Қурайш таййиқидан қутулиш мақсадида Маккадан Мадинага кўчиб ўтишлари “ҳижрат” дейилганлигини ҳам тасаввур қилмайдилар. Ақидапарастлар ёшларни Ислом диёри бўлган, азон айтиладиган, жума ва ҳайит намозлари ўқиладиган, умуман, исломнинг бош аркони эмин-эркин адо этилиб,

йилларда ёшларимизнинг илм-фан, санъат, спорт соҳасида халқаро майдонда қўлга киритаётган ютуқлари, улар учун яратилган имкониятлар ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ёшлар сиёсатининг амалий натижасидир. Шундай экан, ёшларимиз ўзлари учун берилаётган бу каби имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда барча соҳаларда юксак чўққиларга эришиш сари янада дадил қадамлар қўйишлари, турли ақидапараст гуруҳлар, ташқи кучлар тасйиридан узоқда бўлишлари мақсадга мувофиқ.

Зотан, халқимиз, Ватанимиз уларга Янги Ўзбекистон бунёдкорлари, Учинчи Ренессанс жодкорлари сифатида ишонади, ўз келажаги, эртанги тараққиётини улар рамзида тасаввур қиладди.

С.САИДОВ,
Бойсун туман ИИБ ТҚХ ТҚКТ ходими.

Д.НАРЗУЛЛАЕВ,
Бойсун туман ҳокимининг диний ишлар бўйича бош мутахассиси.

тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда, биринчи навбатда хотин-қизлар, ёшлар, ногиронлиги бор шахслар, мактаб ва мактабгача таълим тизимига тегишли муаммоларни ўрганиш, бартараф этишга аҳамият қаратиляпти. Шунинг билан бир қаторда маҳаллалар худудларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш мақсадида “маҳалла еттилиги” ҳамда фуқаролар иштирокида “Яшил макон” лойиҳаси доирасида маҳалланинг ички кўчалари, хонадонларда манзарали ва

мевали дарахт кўчатларини ўтказиш, парваришлаш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Маҳаллалар фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган ушбу тадбирлар доирасида бугунгача 15 дан зиёд маҳаллаларда давлатимиз раҳбари топшириқлари доирасида ишлар ташкил этилиб, муаммоларни ўрганиш ва бартараф этишга киришилди. Муҳими, бу каби тадбирлар нафақат “оғир” тоифадаги маҳаллалар, балки тумандаги барча маҳаллаларда ташкил этилиши кўзда тутилган.

Абдулфаттоҳ ХУСАНОВ,
Бойсун туман ҳокими ўринбосари.

Ўзбекистон Республикаси Қарор Ижроси-Бош прокуратура назоратида Президентнинг 2026 йил 5 январдаги ПҚ-1-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида республика Бош прокуратураси ишчи гуруҳи раҳбари Ф.Раҳматуллаев ҳамда ишчи гуруҳ аъзолари томонидан Бойсун туман прокуратурасида ташкил этилган штаб фаолияти ҳамда криминоген вазияти нисбатан оғир деб баҳоланган маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар ўрганилди.

Ўрганиш жараёнида қарорда белгиланган вазифаларнинг ижроси, штаб томонидан амалга оширилаётган ишлар с а м а р а д о р л и г и , хужжатлар юритилиши, назорат тизими ҳамда ташкил этилган чора-тадбирларнинг ҳолати атрофлича таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра штаб фаолияти иш самарадорлигини янада ошириш, белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида сифатли таъминлаш юзасидан штаб аъзоларига тегишли кўрсатма ва амалий тавсиялар берилди.

Шу билан бир қаторда ишчи гуруҳ томонидан “Бибишарин”, “Тузбозор”

маҳаллаларида “Маҳалла еттилиги” томонидан жинойятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини



кучайтириш, аҳоли билан манзилли ишлаш ҳамда ижтимоий муҳитни соғломлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди. Мавжуд муаммолар ва камчиликлар танқидий кўриб чиқилиб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари юзасидан атрофлича муҳокамалар ўтказилди.

Ф.ИСМОИЛОВ,
Бойсун туман прокурори катта ёрдамчиси.

Менингит касаллиги ҳақида кўпчилик эшитган бўлса-да, бироқ у юқумли касаллиқлар ичида инсон саломатлигига энг оғир асоратлар қолдирадиган, аксарият ҳолларда охир-оқибат ўлим билан якунланиши мумкин бўлган касалликлардан бири эканлигини ҳамма ҳам билавермаса керак. Айниқса, совуқ ойлар, жумладан, ноябрдан март ойигача бўлган вақт оралиғида бу касалликка чалиниш бир мунча кўпаяди.

Хусусан, жорий йилнинг январ ойида Тошкент вилоятида 3 та, Тошкент шаҳрида 5 та ҳолатда менингит касаллиги қайд этилгани ва касаллик асосан ёш болалар ҳамда меҳнатга лаёқатли кишилар орасида аниқлангани, бу борада эпидемика вазиятга жиддий ёндашуви талаб этади.

Мазкур касаллиқнинг асосий хавфи унинг тез тарқалиши, болалар ва ёшлар орасида оғир асоратлар намоён қилиши билан изоҳланади. Касаллик юқумли касалликлар таркибига кириб, минингакоки инфекцияси оқибатида пайдо бўлади.

Менингит касаллиги, асосан орқа мия, бош мия қопқоғи билан қаттиқ парда, яъни дурамотор орасида бўладиган жараён бўлиб, орқа мия ва қаттиқ парданинг шиқасиланишига (яллиғланишига) олиб келади. Бунинг оқибатида беморларда қаттиқ бош оғриғи, бошнинг орқага тортилиши, кўришининг пасайиши, кўзининг

контракт тўлангани ҳақида асослантирувчи ҳужжат тақдим этса ҳам қайтариб берилади. Суперконтрактлар учун ҳам имтиёзлар мавжуд. Бунда, табиийки, суперконтрактнинг суммаси оддий контрактдан юқори бўлади. Дейлик, сиз 60 миллион сўм суперконтракт тўладингиз, бунда ҳам даромад солиғига имтиёз қўлланади. Бунда 7 миллион сўмдан зиёдрок даромад солиғини қайтариб олишингиз мумкин. Лекин сизда ўтган йил давомида давлатга тўлаб қўйган даромад солигингиз ҳам 7 миллион сўм бўлиши керак. Аммо сиз 5 миллион сўм даромад солиғи тўлаб қўйган бўлсангиз, шу 5 миллион сўмнинг 12 фоизи қайтарилади. Суперконтракт микдори юқори бўлса-ю, давлатга тўлаган солигингиз кам бўлса, ҳисобланган 7 миллион сўм эмас, балки тўлаган даромад солигингиз қайтарилади.

Амалдаги тартибларга биноан нодавлат мактаб ва мактабгача таълим учун ҳам даромад солиқлари учун имтиёзлар белгиланган. Жумладан, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб нодавлат мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига ота-оналар томонидан фарзанд учун ойига 3 миллион сўмгача йўналтирилган суммалар ҳам жисмоний шахслардан олинладиган даромад солиғидан озод қилинган. Бу имтиёздан ҳам бирйўла иш ҳақи орқали тўловларни амалга ошираётганда фойдаланиб қолиш мумкин, агар фойдаланмаса, декларация тўлдириб, қайтариб олиш мумкин. Бунда ҳам хусусий нодавлат мактаб ва мактабгача таълим муассасаси билан шартнома ва йўналтирилган сумма ҳақида асословчи маълумотлар бўлса, қайтариб олиш мумкин.

Гавҳар ҚОСИМОВА,
Бойсун туман Адлия бўлими Давлат хизматлари маркази бош мутахассиси.

боғчалар, ётоқхоналар, ташкилот-корхоналарда менингит касаллигининг олдини олиш, тиббий кўриқлар ва бактериологик текширувларни ўтказиб бориш, менингит белгилари билан муурожаат қилган беморларни зудлик билан алоҳидалаш ва ўз вақтида шифохоналарга ётқизиш таъминланиши керак. Ушбу касалликни уй шароитида даволаш мумкин эмас ва бундай ҳолат тақиқланади. Шунингдек, менингит инфекциясига гумон қилинган ёки касаллик лаборатория усулида аниқланганда 12 соат ичида санэпид бошқармаси ҳудудий бўлиmlарига шoшилнч хабарнома юборилиши талаб этилади. Аниқланган касаллик ўчоқларида эпидемияга қарши чоралар қўриш тадбирлари (дезинфекция, тиббий кузатув, мулоқотларни аниқлаш) тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилиши зарур. Шу билан бирга касаллик аниқланган оила аъзолари, жамоадoshларини ҳам зудлик билан текширувдан ўтказиш талаб этилади. Мухими, ушбу оғир вирусли касалликдан ҳимояланиш учун энг аввало фуқароларнинг ўзлари эътиборли бўлишлари ва юқорида эслатиб ўтилган касаллик аломатларини ўзларида сезсалар зудлик билан шифокорга муурожаат қилишлари лозим.

Холиқ РЎЗИЕВ,
Бойсун туман санэпид бўлими санитария-гигиенаси бўлими мудири.

ТУРКИЙ АДАБИЁТНИНГ БУЮК ИККИ СИЙМОСИ

Асрлардан асрларга, авлодлардан авлодларга ўтиб, халқлар дилида барҳаёт бўлиш ёлғиз улуғларгагина – катта ҳақиқат ва ўлмас халқ даҳоси-ни ўзида мужассамлаштирган, шу халқнинг эзгу умидларини, орзуларини ифодалаган буюк шахсларга хос хусусият ва қисмат бўлган.

Алишер Навоий буюк шоир, мутафаккир, давлат арбоби, фасоҳат (шеърӣй нутқ) мулкининг султони, ўзбек адабий тилига асос солган ва ўзбек классик адабиётини янги тараққиёт поғонасига кўтарган буюк сўз санъаткори, маданият ва фан ҳомийси бўлса, Заҳириддин Бобур ўрта аср шарқида энг атоқли давлат арбоби, заҳардаст шоир, табиатшунос олим, тарихчи, истеъдодли ҳарбий саркарда эди.

Алишер Навоий бутун ҳаёти ва ижодиётини инсоннинг бахт-саодати, мамлакат ободончилиги ва халқ фаровонлиги учун курашга, илм-фан, санъат ва адабиётнинг тараққиётига бағишлади. Унинг ижодини баянда тоғ дея тасаввур қилсак, бу тоғ бизнинг ортимизда эмас, ҳамisha қаршимизда, биз интиладиган, чўққиларига ҳавас билан қарайдиган, унинг мисоли юксалишини ҳавас қиладиган тоғ.

Навоийни англаш ва ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, ўзлигини англаш ва ҳис этиш демакдир. Навоийни қанча эрта ўрганишга бел боғласак шунча яхши. Ёшлиқдаги дақиқалар, соатларнинг ишини кексаликнинг йиллари ҳам баҳара олмайди. Ёш бир ерга бориб қолганда улуғ шоиримиз ижод сирларини ёшлиқда ўрганмаганлар ўқиниб қоладилар. Зеро, шоир яшаган давр билан бизнинг замон ўртасида беш асрдан ҳам кўпроқ масофа, жуда катта ижтимоий оғир, адабий тил, дунёқараш, турфа ҳаёт тарзи мавжуд. Бугунги кунга келиб шоирнинг “Ҳамса”, “Ҳазойинул-маоний”, “Маҷолисун-нафоис”, “Маҳбуб-ул-қулуб”, “Муҳокаматыл-луғатайн” каби дунё классик адабиёти дурдоналарига айланган асарларини ўрганиш, ўқиш ва билиш Навоий авлодлари, яъни сизу биз учун ҳам фахр, ҳам шараф, ҳам бурч бўлиши керак.

Ҳазрат Навоий ҳар бир сўздан турфа маъно топувчи, сўзини қадрловчи фавкулотда қобилият эгаси эди. Бунга навоийшунос олим Лазиз Қаюмовнинг Навоий ҳақида берган қуйидаги маълумотлари мисол бўла олади.

“Навоий ўз она тили – туркийни беҳад қадрлар эди. Бу тилнинг бой имкониятлари шеър учун жуда қулай эканлигини яхши ҳис қиларди. Аммо кўплар буни билмас, туркий тил назм учун нуқулай деб ҳисобларди.

Бир куни Навоийнинг меҳмонхонасига йиғилган шоирлар суҳбатида шу хусусда баҳс бўлди. Навоий туркий сўзларнинг айримларидаги маъно нозикликларини айтиб давра аҳлини лол қолдирди.

–Аммо эл оғзида не сўз бўлса, унга шеър либоси кийдирмоқ ҳар вақт мум-

кин бўла бермас. Масалан, “қирчиллатмоқ” сўзини олайлик, аммо бу авом алфозини назмда бермоқ мушкул ва номақбулдир, – деди йиғилганлардан бири.

–Агар мазмун ифода этилса, ҳар бир алфоз шеърда ишлатилмоғи мумкин, – деди Навоий эътироз билдириб. – Шеърда фақат маъносиз сўзгина ноўриндир.

Шунда Навоий ҳаёлга чўмади ва бир оздан кейин ўша сўзнинг шеърӣй матнда қандай жаранглашини ифода этиб байт ўқийди:

Тушда кўрдим ёрими хандон рақибим ўтруда,

Рашқдин ҳар лаҳза тиш қирчиллатурман уйкуда.

–Офарин! – деди мажлис аҳли. Ҳозиржавоблик билан айтилган бу байт баҳсга яқун ясади”.

Мутафаккир шоир ўз асарларининг узоқ давр давомида яшашига ишонар ва бу асарларнинг муносиб даражада баҳоланишини орзу қиларди. “Умидим улдурки ва ҳаёлимга андоқ келурки, сўзим мартабаси авджин қуйи инмагай ва бу ёзган асарларимнинг тантанаси аъло даражадан ўзга ерни ёқтирмағай...”

Ҳа, шоир хато қилмади. Унинг асарлари асрлар ва авлодларга ҳамроҳ бўлиб келмоқда. Зотан, Заҳириддин Бобур ҳам ўз “Бобурнома”сида Навоий ҳақида сўзлар экан, “Алишербек назари (ўхшаш) йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтибдурлар, ҳеч ким онча кўп ва ҳўп айтқон эмас”, деб баҳо беради.

Ўз ўрнида Бобурнинг ўзи ҳам Навоийдан кейинги атоқли лирик шоир сифатида шуҳрат қозонди. Бобур лирикаси мавзу жиҳатидан ҳийла бой бўлиб, ҳаётнинг турли масалалари, инсон кечинмаларининг хилма-хил томонларини қамраб олади. Гўзал табиат манзаралари шоирни мафтун этади, шоирлар ва олимларнинг суҳбати унга завқ-шавқ бағишлайди. У ҳаётнинг ғам-алам ва қайғу-ҳасрат билан эмас, балки бахт-саодат, шодлик ва қувноқлик билан ўтишини истади. Аммо... унинг ҳаёти қураш йўли билан боғлиқ бўлди. Унга ўз Ватанидан айрилиш, бегона юртларда қолиб кетиш, бегона юртларда давлатчилик сиёсатини юритиш, улкан империя барпо қилиш, лекин умрининг сўнгги дамларигача Ватанини қўмсаш, Ватанини соғиниш, Ватан дардида ўлиш қисмати битилган эди. Шубҳасиз, у мана шундай оғир дардни, сўнгги йўқ айрилиқлар дардини шеър, назм малҳами ила юмшатди. Дардлари, соғинчларини ғазалларда, ўз рубоийларида акс эттирди:

Толе йўқки, жонимга балолиг бўлди,

Хар ишники айладим – хатолиг бўлди.

Ўз мулкни қўйиб Ҳинд сори юзландим,

Ё Раб, нетайки, не юз



каролиг бўлди.

Заҳириддин Муҳаммад қолдирган адабий мерос мавзу жиҳатидан фавкулотда бетакрор ва илмий аҳамияти жиҳатдан жуда қимматлидир. Улар ичида, айниқса, “Бобурнома” мемуар асари алоҳида ўрин тутати. Эски ўзбек тилида ёзилган бу асар моҳияти ва мундарижаси жиҳатдан ўзига хос тарихий-илмий ҳужжат бўлиб, унда тарих, журғуфия, шеърят, ҳарб илми, овчилик санъати ва бошқа бир қатор мавзулар мужассамлашганлиги билан ҳам дунё аҳамиятидаги автобиографик асар сифатида эътироф этилган.

Тарих бир вақтнинг ўзида ҳам давлатчилик ҳам назм оламида Бобурчалик шуҳрат қозонган шахсни қўрмаган, десак муболага бўлмайди. У Афғонистон ҳамда Ҳиндистон заминига юриш қилган чоғларида кўпчилик саркардалар каби фақат босқинчилик, талаш, маҳаллий халқни ғорат қилишни ўз олдига мақсад қилмади. Унинг қутлуг қадами теккан замин фақат гуллаб-яшнади. Илм-фан, адабиёт, маданият, меъморилик, шаҳарсозлик ривожланди. Хусусан, Ҳиндистонда Бобур яратган бетакрор боғлар, улғувор бинолар довруғи ўз замонасида етти иқлимга таралган. Мовароуннаҳ ҳамда Ҳинд элининг бетакрор архитектураси мужассамлашган Бобур ва унинг авлодлари яратган бинолар бугун ҳам ўз салобати, маҳобати ва ўзига хослиги билан дунё аҳлини лол қолдирмоқда. Хусусан, Бобур авлодлари яратган буюк Тожмаҳал ансамблининг ўз замонаси ва бугунги замон етти мўъжизасининг бири сифатида эътироф этилиши – Бобур ва бобурийлар салтанатининг боқийликка, мангуликка дахлдорлик рамзидир.

Бу йил халқимиз буюк бобокалонларимиз Алишер Навоийнинг 585 йиллиги ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 543 йиллигини нишонлаяптилар. Барчамизни дунё таниган ва эътироф этган мана шундай улуғ зотларнинг авлодидан қилиб яратганига шукрлар бўлсин!

Саида НАСРУЛЛАЕВА.

Саховати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан, санъатга муҳаббати, уларга машғуллиги билан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта ҳукмдор топилмайди.

Улҳам ЭРСКИН.

ҲИЖРОН КУЙЧИСИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483-йилнинг 14-февралда Андижонда, Фарғона улусининг ҳокими Умаршайх Мирзо оиласида дунёга келган.

Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, буюк шоир, тарихчи, географ, давлат арбоби, истеъдодли саркарда, бобурийлар сулоласи асосчиси, темурий шахзода. Бобур барча темурий шахзодалар каби махсус тарбиячилар, йирик фозилу уламолар устозлигида ҳарбий таълим, фикҳ илми, араб ва форс тилларини ўрганади, кўплаб тарихий ва адабий асарлар мутлола қилади, илм-фанга, шеърятга қизиқа бошлайди. Довжораклиги ва жасурлиги учун у ёшлигидан “Бобур” яъни “Шеър” лақабини олади. Унинг ҳаёти давомида давлат арбоби сифатида қилган ишлари ва шоир сифати яратган асарлари ҳақида озми-кўпми барчамиз маълумотга эгамиз. Буюк бобокалонимиз, шох ва шоир Бобур ҳақида сўз юритмоққа чоғланар эканмиз, аввало, кўз ўнгимизда унинг нузли сиймоси гавдаланади. Ердан, яқинлардан, молу давлатдан жудолик оғир албатта. Бироқ, Ватандан йироқлик энг азобли, энг оғриқли туйғудир. Севимли шоиримиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазал ва рубоийларида эл-юртдан айрилиш ҳис-туйғуларни уйғунлашиб кетган.

Ҳижрон қафасида жон куши рам қиладур,

Гурбат бу азиз умрни кам қиладур. Не навъ битай фироқу гурбат шарҳин –

Ким, кўз ёши номанинг юзин нам қиладур.

Бобурнинг сийратини англамоқ учун Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунар” асарини албатта ўқиш керак. Ушбу асар Бобур ҳаётига бағишланган бўлиб, унинг тахтга ўтирганидан то вафот этгунига қадар жанглари, тарихий воқеалар, юргизган сиёсати ҳақида маълумот берилган. Бундан ташқари унинг аёллари, фарзандлари ҳақида ҳам билиб олиш мумкин. Айнан мен ҳам бу асарни ўқиганимдан сўнг Бобурнинг руҳий кечинмаларини, Ватан соғинчидек чуқур изтиробларини англаганман.

Менинг кўнғлумки, гулнинг гунчасидек таҳ-батаҳ қондур,

Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи не имкондур.

Агар ул қоши ёсиз боғ гаштин орзу қилсам,

Кўзимга ўқдурур сарв-у, кўнгулга гунча пайқондур.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий-адабий мероси марказида “Бобурнома” туради. Бу асар мемуар жанрининг мукамал намунаси бўлиб, унда тарихий воқеалар шахсий кузатишлар асосида баён қилинади. Матнда воқеалар хро-



нологик изчилликда берилади, жой номлари, иқлим тавсифи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақидаги маълумотлар илмий аниқликка яқин тасвирланади. Шу жиҳатдан асар тарихий-географик, этнографик ва табиатшунослик манбаси сифатида ҳам қимматлидир. Бобур воқеаларни субектив кечинмалар билан уйғун ҳолда тасвирлаб, тарихий шахс психологиясини очиб беради, бу эса ўрта аср адабиётида ноёб усул ҳисобланади.

Бобурнинг шеърӣй мероси ҳам муҳим илмий аҳамиятга эга. Унинг ғазаллари ва рубоийлари туркий лирик поэзиянинг ривожига янги босқични ифодалайди. Шеърларида аруз вазнининг нозик имкониятларидан фойдаланилган, тил содда, лекцион образли. Асарларда Ватан соғинчи, ҳаётнинг ўткинчилиги, инсон тақдири ва руҳий изтироблар етакчи мавзу ҳисобланади. Бу лирик мерос шахсий тажриба ва тарихий шароит ўзaro таъсирини ўрганишда муҳим манбадир.

Бобур адабиётимизда рубоий жанрининг устаси сифатида танилган бўлиб, рубоийларида ҳаётӣй ҳикмат ва шахсий тажриба кучли:

Хар кимки вафо қилса, вафо топқу-усидир,

Хар кимки жафо қилса, жафо топқу-усидир.

Яхши киши қўрмагай ёмонлик ҳаргиз,

Хар кимки ёмон бўлса, жазо топқу-усидир.

Бу рубоий сабаб-оқибат қонунини ифодалайди. Асосий гоё – инсоннинг қилган амали ўзига қайтади. Бобур давлат арбоби ва ҳаёт синовларини кўрган шахс сифатида ахлоқӣй ҳулосани содда ва аниқ шаклда беради. Тасвир эмас, ҳаётӣй ҳукм устун.

Ҳозирда унинг 119 ғазали, 209 рубоийси, 10 дан ортиқ туюқ ва қўтыалар, 50 дан ортиқ муаммо ва 60 дан зиёд фардлари аниқланган. Девони таркибида умумий ҳажми 270 байтдан иборат 8 маснавий ҳам ўрин олган.

Садоқат ОДИЛОВА,

Бойсун туман ихтисослаштирилган мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

Бойсун туман ИИБ фахрийлар гуруҳи ички ишлар органлари фахрийси Усмон Саидовга падари бузруғвори

Файзулло бобонинг

вафоти туфайли чуқур ҳамдардик билдиради.

Дарҳақиқат, XXI аср инсон учун жуда кўп салбий унсурларни олиб келди. Терроризм ва диний экстремизм, гиёҳвандлик, қурол-яроқ савдоси, фоҳишабозлик муаммолари, миссионерлар найранглари шундай иллатлар жумласидан. Сўнгги йилларда эса наркомания билан боғлиқ жиноятлар жиддий ташвиш ва хавотирларини келтириб чиқармоқда. Айниқса, асосан ёшлар бу жирканч иллатнинг гирдобига тушаётгани ачинарли, албатта.

Гиёҳвандлик иллатининг чегара билмас хусусиятларидан келиб чиқиб, бугунги кунда юртимиздаги барча манфаатдор идора ва ташкилотлар, кенг жамоатчилик наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланishi қарши кенг жалб қилинган. Мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши курашиш ва унинг олдини олишга қартилган чора-тадбирларга алоҳида тўхталиш муҳим, бироқ шунга қарамай, ҳар йили героин ва бошқа наркотик таблеткалар истеъмоли натижасида 200 мингдан ортиқ шахслар ҳаётдан эрта кўз юмиши, дунё аҳолисининг 30 миллионга яқини героин ва кокаин моддаларига қарам бўлган “муаммоли гиёҳвандлар” эканлиги инсоният учун чи-накамига фавкулотда хатардир. Бу каби хатар даражасини камайтириш,

хусусан “муаммоли гиёҳвандлар”ни даволаш билан боғлиқ барча сарф-харажатлар учун бутун дунё ялпи ички маҳсулотининг тахминан 0,3-0,4 фоизи, яъни 240 миллиард АҚШ долларлари миқдоридан маблағ зарур бўлиши аниқланган.

Олиб борилган изланишлар, ҳулосаларга кўра, наркотиклар билан илк “танишиш”, одатда 15-17 ёшли ўсмирлар орасида бошланар экан. Маълумки, ўсмирлик даврида инсон гармонал жиҳатдан жуда тез ривожланади. Бу даврдаги ёшларнинг психо-физиологик ҳолати динамик жиҳатдан ниҳоятда ўшқин ўзгаришларга бой бўлади ва ўзига хос тарзда ифодаланади. Шу боис ота-оналар, ўқитувчилар ва маҳалла аҳлининг ўсмирлардаги бу ўзгариш ва аломатлардан бохабар бўлишлари фарзанд тарбияси, унинг келажаги учун жуда муҳим. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ёшларнинг айнан ўсмирлик чоғидаёқ гиёҳванд моддалари билан боғлиқ муаммоларга рўпара келишига ота-оналарнинг ўз фарзандларидаги ноодатий ҳолатлар, характеридаги қутилмаган ўзгаришлар, оила ва мактаб муҳитидаги кундалик ҳаётида рўй берувчи саросимали

ГИЁҲВАНДЛИК – ЁШЛАР УЧУН ДАХШАТЛИ ТУЗОК

ҳолатларга беэътибор бўлишлари сабаб бўлади. Шу маънода, ёшларни гиёҳвандлик ба-

ҳолатларга беэътибор бўлишлари сабаб бўлади. Шу маънода, ёшларни гиёҳвандлик ба-

катимиз қонунчилиги билан кучли таъсир қилувчи моддаларни интернетда тарқатиш, реклама

қилиш, намойиш этиш учун жавобгарлик белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган Қонун (ЎРҚ-971-сон, 05.10.2024 й) билан айрим кодексларга қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Унга кўра, Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларга ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга гиёҳвандлик воситалари ни, унинг аналогларини ёки психотроп моддаларни телекоммуникация тармоқлари

дан ва интернетдан фойдаланиш орқали қонунга хилоф равишда муомалага киритганлик, ушбу жи-

ноятларни воёга етмаганларни жалб қилган ҳолда содир этганлик учун жа-

вобгарлик чоралари қучайтирилди. Шунингдек, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда олганлик, сақлаганлик, ташиганлик, жўнатганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди.

Жиноят кодексига киритилган қўшимчаларга кўра, гиёҳвандлик моддалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташини ёки жўнатиш, ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганда кейин содир этилган бўлса: БХМнинг 50 бараварига-ча жарама; 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари; 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари; 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазо чораларидан бири қўлланилиши белгиланди.

Шу билан бирга, тақиқланган моддаларни етиштирганлик учун

ҳам қонунчиликда жавобгарлик мавжуд. Жумладан, тақиқланган экинларни, яъни, кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштириш: БХМнинг 5 бараваридан 50 бараваригача миқдорда жарамага тортиш; 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари; 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари; 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ва 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш чораларидан бири қўлланилишига сабаб бўлади.

Гиёҳвандлик балосининг жамият тараққиёти, ёшларимиз келажаги учун улкан таҳдидини эътибордан соқит қилмаган ҳолда ота-оналар, мухтарам устозлар, қолаверса, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик ўсмирлар ва ёшларни ундан асраш, авайлашни ҳамкорликда олиб борсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, ҳар жиҳатдан соғлом, тафаккури собит, дунёқараши кенг ёшларни воёга етказиш учун барчамиз масъулмиз.

Зокир ҲАЙДАРОВ,
Бойсун туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси.

BOYSUN

MUASSISLAR:

Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligi

BOSH MUHARRIR
Davron OROPOV

NAVBAATCHI:
Azamat G'AFFOROV.

Internet materiallaridan foydalaniladi.

Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 64622
Bahosi kelishilgan narxda.

Hajmi - 2 bosma taboq.
Bichimi A-2
Chop etishga topshirish vaqti - 17⁰⁰
Topshirildi - 16⁰⁰
Adadi : 1400
Buyurtma №

Gazeta sifatiga bosmaxona mas'ul

ISSN 2181-7073

- tijorat materiali.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan tarq qilishi mumkin.
Qo'lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi.
“BOYSUN” gazetasidan materiallarni ko'chirib bosish muharririyat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim.

Gazeta oyiga ikki marta o'zbek va tojik tillarida chop etiladi.

TAHRIRIYAT MANZILI:
190401, Boysun, Zartepa ko'chasi, 37-uy.
Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59
e-mail: boysun@umail.uz

Gazeta “Boysun” tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta “Surxon tongi” va “Zarya Surxana” gazetalarini bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Termiz shahri Shukrona ko'chasi 19-A uy.